ШОИР ҲАЖВИЁТИНИНГ ХАЛҚОНА ИФОДАСИ

Гулрухбегим Қахрамон қизи Равшанова
Қарши давлат университети доценти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Абдулла Орипов ҳар бир сўзни дид билан танлаши тафаккур тарозисида ўлчайди. Оригинал ва образли ифода усули замирида бадиий мантиқ ётади; табиийки, бу мантиқ лўнда, ҳар қандай сунъий безакдан холи, ихчам шаклда юзага чиқади. Бу шаклнинг воқе бўлишида, аввало, шоирнинг диди, тафаккури ва ўткир нигоҳининг уйғун мутаносиблигини кўрамиз. Аслида халқ ҳаётини, турмуш тажрибаларини кузатиш натижасида ижтимоий-руҳий ҳолатларга оид хулосалар, мантиқий умумлашмалар оғзаки ижодда пайдо бўлади.

Калит сўзлар: сўз, дид, образ, оригинал, ифода, шеър, усул, бадиий тасвир.

POPULAR EXPRESSION OF THE POET'S COMEDY

Gulrukhbegim Kahramon kizi Ravshanova
Associate Professor of Karshi State University

ABSTRACT

In this article, Abdulla Aripov's careful choice of each word is measured on the scales of thinking. At the heart of the original and figurative method of expression lies artistic logic; naturally, this logic emerges in a concise, concise form, free from any artificial decoration. In the occurrence of this form, we see, first of all, the proper balance of the poet's taste, thought, and sharp gaze. In fact, as a result of observing the life of the people, life experiences, conclusions about socio-psychological conditions, logical generalizations appear in folklore.

КИРИШ

Мақол, матал, афоризмлар авлоддан-авлодга ўтиб, халқ бадиий тафаккурида яшаб келади. Бундай ҳикматли ибораларда ўхшатиш бадиий тасвир воситалари кенг қўлланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Қайсар бола” ҳажвий шеъри 1994-йилда ёзилган бўлиб, уни шоир қизиқчилар бисотидан олганлигини айтиб ўтади. Бундан кўринадики ушбу шеър замирида шоирнинг юмшоқ ифодаси ётади. Бу бола ҳеч кимга “сиз”лаб мурожаат қилмайди, бу ҳолатга жазо тариқасида ўқитувчиси барчани сиз дейман деб юз марта ёзишни топширади. Бола вазифани аъло даражада уддалайди ва юз эмас икки юз марта ёзиб келади:

Муаллим шод: “Мен сенга,
Ҳа, ишонган эдим-да”.
Бола дермиш: “Сени бир
Хурсанд қилай дедим-да” [1;230].

Умуман олганда шоир ижодида бу каби ҳажвиётлар кўплаб учрайди. У ижтимоий ҳаётда учрайдиган нуқсонларни аёвсиз “қамчилайди”. Шоир ўз давридаги порахўрлик, фисқу-фасодга ўч кишилар, ишчи қатлам вакилларига қилинган ноҳақликларга қарши ҳажвиётнинг тиғи орқали курашиб келган. Шу билан бирга инсоний ҳислатларнинг баъзи кимсаларда салбий ҳислатларининг учрашини қуйидаги “Узр” шеърида кўрсатиб беради:

Ҳангома кўп учрар ҳаётга доир,
Кекса бир қаламкаш одам бор эди.
Сизга кўп ёмонлик қилганман, шоир,
Кечиринг, узримни сўрайман, деди.
Балки раҳмат дейсан шунисига ҳам,
Гуноҳин бўйнига олмиш-ку инсон.
Сен гугурт чаққанда ёнсаю олам,
Узрингдан не фойда, эй, сўқир, нодон [1;56].

Доно халқимизда “Узри гуноҳидан баттар” деган мақол бор. Қилгуликни қилиб қўйиб, бир гуноҳсизни ботқоққа ботириб, дилини топтаб, умрини хазон, қалбини вайрон қилиб, сўнгра узр сўраш гуноҳдан ҳам баттар, ўлганни устига чиқиб тепганда ўхшайди. Лекин шоир шунга ҳам шукур қилиш керак, дейди. Ана шу узр сўралмасдан олдин, ҳар бир одам ўз ҳаракатларини назорат қилиши керак. Масалан, бир саводсиз шифокор бировнинг дилбандини ўлдириб қўйиб , сўнгра узр сўраса, уни кечириб бўладими? Бир инсонни умрини барбод қилиб қўйиб, сўнгра узр сўраса, уни кечириб бўладими? Бир умр турли пучмоқлардан қилинган туҳматлар, ғийбатлар, ҳасад-хусуматлар шоир юрагини ”анорни сиққандек, эзиб ғижимлар” экан, буларни хотирадан бутунлай ўчириб бўладими? Шеър мисраларидаги залворли ҳазин юк киши қалбини эзиб, ана шундай кимсаларга нисбатан нафрат пайдо қилади. Шеър Абдулла Орипов услубига хос тарзда ҳажвиёна якунланган: ”Кун-бакун тараққий этмоқда дунё, Ногоҳ

одамкушни топмоқ ҳам қийин. Ҳозирги маданий жаллодлар ҳатто, Аввал узр сўраб, сўйишар кейин". Ҳа, бу қадим дунё қанчалик тараққий этмасин, дилозорлар, ҳасадгўйлар қанчалик либосларини, қиёфаларини ўзгартирмасинлар, барибир асл башараларини яширолмайдилар. Шоир таъбири билан айтганда, "маданий жаллодлар" қиёфасида яшайдилар, бошқа қиёфада ўз фаолиятларини давом эттираверадилар. Ниқобланган ҳолда ёвузлик уруғини сочаверадилар.

МУҲОКАМА

"Ижодкор умуминсоний дардни шахсий дарддек қабул қилиши ёки шахсий дардини умуминсоний дард даражасига кўтариши лозим", – деб ёзади Абдулла Орипов. Шоир ушбу талабни ўз ижодига тўла-тўкис татбиқ ҳам қилди. Дилозорлик дард, дард бўлганида ҳам кечирилмайдиган дард. Инсоннинг кўнгли Каъбага тенглаштирилади. Кўнгилни вайрон қилиш Каъбани вайрон қилишга тенгдир. Шундай экан, пок ниятли инсонларнинг вазифаси ана шундан кимсаларнинг ниқобларини йиртиш, уларни фош этиш, уларга қарши ҳушёр туриш лозим. "Шикоятчи ҳангомаси"да истеъдодсиз, нодон, ғаламис кимсаларни ҳажв тиғи билан аёвсиз савалайди:

У миршабхонага қилар кўнғроқ:
-Жиноят юз берди, чорасин кўринг.
Ўзим санаб чиқдим эрта тонгданоқ,
Битта товуғим йўқ, топтириб беринг.

Ишлаган одамнинг иши кўп, мана
Товуқ масаласи очиқдир ҳамон.
Ҳафта ҳам ўтмасдан, сим қоқар яна:
-Итим ғойиб бўлди, нетай, миршабжон [1;103].

Абдулла Орипов ҳаётнинг барча томонларини илғай олади, инсон иқлимининг турфа қирраларини кашф эта олади. У темир одам, ёзғувчи, нодон, ғаламис, шикоятчи кабиларнинг феълини теран англади. Ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, истеъдодсиз, ҳасадгўйларни аямай фош этди. Фойдали ишларни қилмасдан, жамият манфаатини ўйламасдан, ўзининг биқиқ муҳитидан чиқа олмаган "кўлмак давра"ларни кўриб кўнгли озор чекди, қалби яраланди. Юқоридаги таҳлилга тортмоқчи бўлмаган шеъримизда ҳам яна бир тип– шикоятчи ҳақида ёзади. Шикоятчининг ҳеч кимга фойдаси тегмайди, жамиятда бирор фойдали иш қилмайди, лекин жамиятдан жуда катта фойда кўришни

истайди. Нафи тегмаганига яраша, зарари ҳам тегмаса эди. Бундан кимсаларнинг иши одамларга халақит бериш, уларнинг қимматли вақтларини ўғирлашдан иборат. Унинг ўзи ҳеч кимга ҳеч нарса беролмайди, маънавий қашшоқ, лекин ҳаммадан фойда кутади, арзимаган ишларни деб катта катта идораларни, одамларни ишдан қўяди, асабини бузади, энг ёмони ўзини ҳақ деб билади, абсурд мақсадни кўзлайди. Шеърдаги вазият ҳаётий заминга эга бўлганлиги боис бизга эриш туюлмайди, шикоятчи устидан киноя билан куламиз. Атрофимизда ана шундай ”ити йўқолса”, ”товуғи йўқолса” ҳам идораларни безовта қиладиган кимсалардан ранжиймиз. Шоир уларни шундай фош этади: ”Кимлардир уни деб доим овора, У ҳам чарчамасди, билмасди тиним. Бир кун ўзи келди: -Тез кўринг чора, ”Сенинг ақлинг йўқ”, деб айтди хотиним”. Бундай кас билан яшайдиган хотинга ҳайкал қўйиш керак эмасми? Бу каби кимсаларни овозларини ўчириб қўйиш вақти келмадими? Жамиятга фойдаси тегмайдиган, тараққиётга ғов бўладиган, ривожланишни бўғадиган шикоятчилар кишини ғазаблантиради, жаҳлини чиқазади, соғлигини кетказади. Шеърни ўқир экансиз, унда атрофингиздаги худди шундай кимсаларни кўгандек бўласиз, сиз уларни танийсиз, уларга кучли нафрат пайдо бўлади. Шоир ҳажвиёти халққа шунчалик яқинки уларни ўқиш жараёнида нақадар халқчил, содда ва беғубор ёзилганлигини кўришимиз мумкин:

Сўзлашиб турарди икки қария
Хотираси маҳкам, чақмоқдек мия.
Лекин пишгандилар мисоли илик,
Икки тақсимчага солиб егулик.
Юздан ошсалар ҳам ҳушёрдирлар зап,
Секин бир-бирига ташлайдилар гап:
–Умрнинг танобин роса олибсиз,
–Лекин бирозгина қариб қолибсиз[1;86].

ХУЛОСА

Рус адиби А.Островский: “... халқ ёзувчиси бўлиш учун халқни яхши билиш керак. Шу халқ билан чамбарчас боғланган бўлиши, узвий бирлашиб кетиши керак. Ўз элини ўрганиш-билиш бадиий талант учун энг яхши мактабдир. Уни бадиий акс эттириш эса ижодий фаолият учун энг яхши майдондир” [3.226],– дея таъкидлаган эди. Шоир ўз халқи психологиясини яхши билади. Буни юқоридаги шеър мисолида кўриш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 2016 йил. 432 бет.
2. Адабиётшунослик луғати / Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Т.: Akademnashr, 2013. – 408 б.
3. Островский А. Русские писатели о литературном труде. – Л., 1954. – С.558.
4. Ravshanova G. Q. (2019). The poetics of satirical characters. *International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. 8*(11), Macedonia, 46-53. (Impact factor ICV: 6.88).
5. Равшанова Г. Қ. (2020). Абдулла Орипов ҳажвиётининг қирралари. *Бухоро давлат университети илмий ахбороти. Бухоро. 2*(77), 237-241.
6. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(4), 16-20.
7. Botirova S. I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
8. Botirova S. I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research, 6*(8), 539-541.
9. Botirova S. I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research, 9*(9), 12-15.
10. Равшанова Г. Қ. (2020). А.Ориповнинг ҳажвий қиёфа яратиш усуллари. *Ilm sarchashmalari, 2*(13). 61-65.
11. Равшанова Г. Қ. (2019). Абдулла Орипов шеъриятида ижтимоий ҳажвнинг ўрни. *Filologiya ilmining dolzarb masalalari, Республика илмий анжумани. – Қарши,* 98-101.

REFERENCES

1. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 2016 йил. 432 бет.
2. Адабиётшунослик луғати / Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Т.: Akademnashr, 2013. – 408 б.
3. Островский А. Русские писатели о литературном труде. – Л., 1954. – С.558.
4. Ravshanova G. Q. (2019). The poetics of satirical characters. *International Journal of Anglisticum. Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies. 8*(11), Macedonia, 46-53. (Impact factor ICV: 6.88).
5. Равшанова Г. Қ. (2020). Абдулла Орипов ҳажвиётининг қирралари. *Бухоро давлат университети илмий ахбороти. Бухоро. 2*(77), 237-241.

6. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(4), 16-20.
7. Botirova S. I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
8. Botirova S. I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(8), 539-541.
9. Botirova S. I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, *9*(9), 12-15.
10. Равшанова Г. Қ. (2020). А.Ориповнинг ҳажвий қиёфа яратиш усуллари. *Ilm sarchashmalari*, *2*(13). 61-65.
11. Равшанова Г. Қ. (2019). Абдулла Орипов шеъриятида ижтимоий ҳажвнинг ўрни. *Filologiya ilmining dolzarb masalalari, Республика илмий анжумани. – Қарши,* 98-101.